

Амнистия актининг нотўғри татбиқ этилиши суд қарорининг бир қисмини бекор бўлишига сабаб бўлган.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 2004 йил 22 ноябрдаги ҳукмига асосан М. Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг «а,в» бандлари билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 3 йилга озодликдан маҳрум этилиб, ЖКнинг 45-моддасига асосан 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосига судланган. Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Шу суднинг 2004 йил 22 ноябрдаги ажрими билан жиноят ишининг М.га нисбатан 25.624.739 сўмлик 312.600 тонна аммиакли селитра талон-торож қилинганлигига оид қисми қўшимча терговга қайтарилган.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2004 йил 28 декабрдаги ажрими билан М. нисбатан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган ҳамда унга тайинланган асосий жазо Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонининг 7-моддаси «а» бандига асосан, учдан бир қисмига қисқартирилган. Ишнинг Н.Мадбаевга оид бир қисмини қўшимча терговга қайтариш ҳақидаги ажрим бекор қилиниб, ишни шу қисми ҳаракатдан тугатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонининг 8-моддасида ушбу Фармон илгари амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Жиноят иши материалларига кўра, М. муқаддам судланган бўлиб, у 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармониغا асосан жазони ўташдан озод этилган.

Бундай ҳолда, апелляция инстанцияси суди 2004 йил 28 декабрда маҳкум М. нисбатан 2004 йил 1 декабрдаги амнистия актининг 7-моддаси «а» бандини қонунга зид равишда қўллаган.

Шу сабабли судлов ҳайъати жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2004 йил 28 декабрдаги ажримининг М.га нисбатан 2004 йил 1 декабрдаги амнистия акти 7-моддасининг «а» бандини татдиқ этиш ҳақидаги қисми бекор қилинган.

73-05-сонли ажрим

